

Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда халқаро ташкилотларни ўрни

Аъзамжонов Р.А. ТДШИ 2 курс магис

Аннотатция

Мақола бугунги кунда долзарб масала бўлиб келаётган, Яқин Шарқ муаммоси, Исроил – Фаластин можаросига бағишланган. Мақолада бу можарони ҳал қилишнидаги халқаро ташкилотларнинг ўрни масаласи ёртиб берилган.

Ҳозирги кунда халқаро муносабатларнинг долзарб муаммосига айланиб улгурган Яқин Шарқ минтақасининг Исроил-Фаластин можароси сиёсат майдонини энг асосий воқеаларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳудуддаги сиёсий жараёнлар мазкур можароларни ечиш узоқ вақт талаб вақт талаб этишини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов “Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ ва яқин ҳудудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилиқ ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илдизи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарастлик ва маҳдудлик билан боғлиқ”¹, деб айтиб ўтгандилар.

Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги зиддият бошланганига 60 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, ушбу қарама-қаршилиқ ҳалигача ўз ечимини топай келмоқда.

Яқин Шарқдаги араб-исроил муаммосини 1948 йилда Буюк Британия томонидан ушбу минтақада Исроил давлатини ташкил этилиши сабаб бўлди. Ушбу давлатлар ўртасида 1948, 1956, 1967 ва 1973 йилларда қонли урушлар бўлиб ўтган. Исроил 1967 йилда ташкил бўлиб ўтган “Олти кунлик уруш”да Иерусалим (Қуддус), Иордан дарёсини шимолий қирғоқлари, Ғазо Сектори,

¹ <http://uza.uz/oz/politics/azhdodlar-khotirasi-muaddas-31.08.2013-28323>

Синай ярим ороли ва Галлонтепалигини босиб оган.² Бу можаро нафақат бу икки давлат ўртасида бўлибгина қолмасдан, балки икки миллат (араб ва яҳудий) ва икки дин (ислом ва яҳудийлик) вакиллари ўртасидаги зиддиятни ҳам келиб чиқишига сабаб бўлди.

Фаластинни озодлигини ҳимоя қилиш мақсадида араб мамлакатлари ўртасида иттифоқ ҳам тузилган, аммо Исроил ва унинг қўлловчи йирик давлатлар тазйиқи остида ушбу иттифоқ парчаланиб кетди. Ҳаттоки бутун дунё ислом давлатларини бирлаштирган Ислом Ҳамкорлик ташкилоти (2011 йилгача Ислом Конференциялар ташкилоти деб номланган) ҳам айнан Фаластинни ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинган.

Исроил Фаластин давлати жойлашган ҳудудлар тарихий жиҳатдан яҳудий халқиники, ушбу минтақалар Исроил давлатига тегишли бўлиши керак деб ҳисоблашади. Бу фикрга қарама қарши Фаластин давлати ушбу ҳудудлар араб халқига тегишли ва Исроил давлати зўравонлик билан босиб олганлигини эътироф этишади. Исроил давлати ушбу мустаҳкамроқ жойлашиб олиш мақсадида, босиб олган ҳудудларида ўз халқи учун турар жой бинолари қуриш орқали маҳаллийлаштириш сиёсатини олиб бормоқда.

Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилиш масаласида кўплаб конференциялар ташкил қилинган. Улардан энг йириклари Мадрид тинчлик конференцияси, Ослодаги Тинчлик музокараси ва Кем-Девид саммити ҳисобланади.

Мадрид тинчлик шартномаси 1991 йилнинг 30 октябр – 1 ноябр кунлари Испания пойтахти Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган. Бу конференцияда АҚШ, Россия, Европа иттифоқи давлатлари ва Япониянинг Яқин Шарқ ресурсларидан фойдаланишни турли йўллари излаш энг асосий мақсад бўлган.³ Айни шу конференция бу минтақадаги тинчлик йирик давлатлар учун фақат бу минтақада тинчликни фақатгина, фойдали ресурслардан

² Эпштейн, А. Д. Почему провалилась «дорожная карта»? : о причинах прошлых дипломатических неудачи возможных новых инициативах в целях сбижения остроты палестино-израильского конфликта М.: Полиграфические ресурсы, 2006.

³ مؤتمر مدريد ومستقبل التسوية. عادل حسين. Kotobarabia.com, 2006. P. 20 – 21// Адель Хуссейн Мадридская конференция и будущее поселений

фойдаланиш учунгина олиб борилаётгани маълум бўлган.

1993 йилда икки давлат раҳбарлари ўртасида бир неча учрашувлар бўлиб ўтди. Якунловчи келишув 29 сентябрда Осло шаҳрида бўлиб ўтган. Фаластин озодлик ташкилотининг ўша пайтдаги раҳбари Ясир Арафот 1993 йилдаги Осло келишувидан кейин, тинч сиёсий кураш йўлига ўтиб, кейинчалик, сионистик режим томонидан босиб олинган ерда Исроил давлати ҳудудида Фаластин Автоном Республикасини бошқаришга рози бўлди.⁴ Бу келишув Бил Клинтон воситасичилиги Исроил бош вазири Исҳок Рабин ва Ясир Арафот ўртасида имзоланади. Бунга кўра Фатҳ Фаластинга қайтиб, Иордан дарёси ғарбий соҳили ва Ғазо секторини Исроил давлати ҳудудидаги Фаластин Автономияси шаклида 5 йил бошқариб туриши ва шу муддат ичида вазиятни ўз назоратига олиши керак бўлган. Шу муддат ичида шартлар бажарилса, кейинги учрашувда Исроил билан Фаластин давлатини мустақил деб эълон қилиш масаласи кўриб чиқиши керак эди. Ясир Арафот мустақил давлат куриш мақсадидан қайтмаган бўлсада, ватанга қайтиб, шу мақсад йўлида тинч йўл билан курашишни маъқул кўрганди. Осло келишувига биноан 5 йилдан сўнг Фаластин озодлиги масаласи кўриб чиқиши лозим эди. Аммо, бу тинчлик келишувидан кейин ҳам Исроил тарафидан арабларни ерлари босиб олиниб, яҳудийлар учун янги уйлар қурилиши давом этгани ва бунга қарши Исроил ҳудудларида қатор терактлар содир қилингани сабабли, 2000 йилгача қайта учрашув режаси амалга ошмайди. Иккала томондаги муносабатларда таранглиги сақланиб қолади. 2000 йилда яна Клинтон воситасичилигида Кэмп Дэвид қароргоҳида Ясир Арафот ва Эҳуд Барак навбатдаги келишувни имзолаш мақсадида учрашадилар.⁵

Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ушбу учрашувдан олдин берган интервьюсида шундай деганди;

⁴ William B. Q. Peace process: American diplomacy and the arab-israeli conflict since 1967 third edition. Washington D.C., Brookings institution press, 2005. P.321.

⁵ B Morris and E Peak, "Camp David and after" цито..А Эпштейн. А. Опыт прошлого и драмы настоящего: политическая психология палестино – израильских переговоров об окончательном урегулировании конфликта.// В сб. Палестино – израильский конфликт в зеркале общественного мнения и международной дипломатии М., 2005.. 37

«Исроил Фаластин билан қуйидаги шартлар асосида тинчлик битимини имзолашга тайёр;

- Қуддус шаҳри ва Ғазо сектори Исроил давлати назоратида қолади.
- 1967 йилдаги БМТ ажратган ҳудудларга қайтилмайди. Исроил эгаллаган ва уйлар қурган ҳудудлар Исроил давлатига тегишли бўлиб қолади.
- Дунё бўйлаб тарқалган Фаластинлик қочоқларни қайтариш, Исроил эгаллаган ҳудудлардан ташқарида ҳал қилинади.»⁶

Бу шартлардан кўриниб турибдики, Исроил давлати БМТ нинг 1948 йилги қарорини инкор қилаётганди. Бу шартлар Исроилни тинчлик битими тузиш мақсади йўқлигини кўрсатарди. Ясир Арафот бу шартлар асосида келишувни имзолашдан бош тортади. Унинг бу қарорини муҳолифи Хамас раиси шайх Аҳмад Ёсин қўллаб қувватлайди. Фаластин томони Исроилдан 1967 йилги БМТ белгилаб берган ҳудудлардан шу жумладан Қуддусдан чиқиб кетишни, миллионлаб қочоқларни ватанига қайтариб, уларни уйлари ва мол мулклари учун товон пули тўлашни талаб қилганди. Шу билан Фаластинда Исроилга қарши иккинчи халқ қўзғолони бошланади. Яна ҳар икки томондан қўплаб қурбонлар берилади ва моддий зарарлар етади. Фатх Фаластин Автономиясини нисбатан мустақил бошқараётган бўлсада, расман мустақил давлат бўлолмай қолади.

Булардан ташқари АҚШ президенти Жорж Буш томонидан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” тинчлик режаси тинчлик йўлида яна бир қадам бўлган.

“Йўл харитаси” - “тўртлик” ҳомийлигида институционал қурилиш соҳасида, гуманитар, иқтисодий, хавфсизлик, сиёсий соҳадаги қўйилган аниқ босқичлар, вақтинчали график ва ўлчовлар каби қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда томонлар мажбуриятларини бажаришини баҳолаш асосида бўлган режадир. Мазкур режадан кўзланган мақсад 2003 йилнинг 24 июнида президент Ж.Буш ўз нутқида айтгандай 2005 йилнинг сўнгигига бориб

⁶ Боровой Я. Воздушные поцелуи, Один шаг вперёд , два –назад. Ближневосточные страны верны этому принципу . // Новое время. №36 – 1999. С. 32.

Фаластин-Исроил муаммосининг сўнги ва ҳар томонлама ечимига эришиш бўлиб, шу 2003 йилнинг 16 июл ва 17 сентябр ойларида вазирлар учрашуви натижаси баёнотларида ЕҲХТ, Россия ва БМТ томонидан қўллаб-қувватланган⁷.

Ушбу режадан кўрсатилган асосий мақсад минтақада ҳавфсизликни таъминлаш, Фаластинда давлат институтларини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан иборат бўлган. Режага кўра минтақада тинчлик 2005 йилда тўллик ўрнатилиши керак эди. Лекин халқаро майдонда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар, жумладан “Араб баҳори” минтақадаги ҳавфсизликка таъсир ўтказмай қолмади.

АҚШ президенти Барак Обама 2009 йилнинг 4 июньда Қоҳира институтида сўзлаган нутқида “Американинг Исроил билан кучли ришталари кўпларга маълум. Буришталарни узиб бўлмайди. Улар маданий ва тарихий алоқаларга ва яҳудийлар мамлакатига бўлган интилиш, инкор этиб бўлмайдиган фожиали тарихга боғлиқ”⁸ деганди. АҚШнинг Исроил билан яқин алоқаси борлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ёндашиш маълум маънодаги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Яқин Шарқ сиёсатига тегишли масалаларда Исроил АҚШ орқали кўплаб жараёнларга таъсир қилиб келади.

Яқин Шарқда тинчлик музокаралари яқин ўн йилликда ҳал қилиниш эҳтимоли жуда кам. Бунга асосий сабаб икки томондан қўйилаётган талабларга ҳеч бири рози эмаслар. Бундан ташқари ушбу минтақадаги диний можаро ҳам тинчлик учун энг асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Агар сиёсий жараёнлар келажакда шу тарзда давом этадиган бўлса, бу муаммо яқин орада ечимини топмаслиги эҳтимоли юқори.

⁷http://sof-olam.6te.net/Yaqin_Shark/yaqin.htm

⁸http://uzbek.uzbekistan.usembassy.gov/sp060409_uz.html